

КОКЦИДЛАРНИНГ (*COCCINEA*) ОЛДИНИ ОЛИШ

А.Т. Ахмедов,
АндДУ изланувчиси,
Хўжаев Шомил Турсунович,
ЎҲҚИТИ лаборатория мудири, профессор

Аннотация. Статья посвящена описанию болезни и возбудителя черного рака яблонь и груши который поражает все надземные части растений – листья, цветы, плоды, штамбы и скелетные сучья, о наносимом вреде его в садоводстве нашей республике, об эффективных мерах борьбы с болезнью, которые применяются в садах: профилактика, агротехника и рекомендуемые химические препараты.

Ключевые слова: черный рак, плодовые деревья, гриб-возбудитель, фунгициды, штамб, сучок, древесина, Бордоская смесь, охра, олифа, фунгидные замазки.

Annotation. The article is devoted to the description of the disease and the causative agent of black cancer of apple and pear trees, which affects all aboveground parts of plants - leaves, flowers, fruits, stems and skeletal branches, about its harm in gardening in our republic, about effective measures to combat the disease that are used in gardens: prevention, agricultural technology and recommended chemicals.

Key words: black crayfish, fruit trees, causative agent fungus, fungicides, stem, twig, wood, Bordeaux mixture, ocher, drying oil, fungicide putties.

Тенгқанотли (*Homoptera*) ҳашаротлардан кокцидлар (*Coccinea*) кенжа туркумига оид қалқондорлар (*Diaspididae*) ва сохта қалқондорлар (*Saccidae*) оилаларига қарашли ҳашаротларнинг бир неча тури терак ва тол дарахтларига жиддий зарар келтиради. Буларнинг орасида: Турон сохта қалқондори (*Rhodococcus turanicus* Arch.) ҳамда акация сохта қалқондори (*Parthenolecanium corni* Bouche.) теракларга тез-тез ва жиддий зарар келтириб, ҳатто дарахтнинг новда ва танаси қуриб қолишига ҳам сабабчи бўлади (расмга қаранг).

Қалқондорлардан: бинафша қалқондори – *Parlatoria oleae* Colvée., Кали-форния қалқондори – *Qnadraspidotus perniciosus* Comst., Ўрта Осиё вергул шаклидаги қалқондор – *Lepidosaphes mesasiatica* Borch., вергул шаклидаги олма қалқондори – *L. ulmi* L. ва б. (Васильев, Лившиц, 1984; Азимов ва б., 1993; Ким, Яхонтов, 1972; Ким, Бурханов, 1980 ва б.).

Умуман олганда кокцидлар нисбатан майда ҳашаротлар бўлиб, эркак ва урғочи зотлари ташқи кўринишидан кескин фарқ қилади (жинсий диморфизм). Урғочилари қанотсиз, танаси яхлит ва ҳаракатсиздир. Эркаклари қанотли бўлиб, озиқланмайди. Кокцидларнинг кўп тури урчимасдан партено-

генетик равишда кўпаяди. Яъни урғочилари урчимасдан тухум қўяди. Булардан очиб чиққан личинкалар “дайди” деб аталиб, дарахт бўйича тарқаб кетади. Ўзи учун қулай жой топгач, у ерга хартумини санчиб, қолган ҳаёти шу ерда ўтади. Икки марта пўст ташлагач, жисм устида турли шаклдаги қалқон қоплама пайдо бўлади. Бу қалқоннинг шакли ва туси ҳашарот турини аниқлашда шакл белгилари бўлиб хизмат қилади.

Бошқа тенгқанотлилар сингари, булар ҳам озиқланиш пайтида ўсимлик тўқимасига сўлагини жўнатади ва суюлтирилган ўсимлик ширасини сўриб олади. Шунинг учун қалқондорлар билан зарарланган дарахтлар ўсиш-ривожланишда орқада қолади, айрим новда ва ҳатто дарахт қуриб қолади.

Кўпчилик қалқондор ва сохта қалқондорлар мавсумда бир марта авлод бериб кўпаяди, аммо шароит муваффақиятли бўлган Марказий Осиё минтақаларида мавсумда 2 ва ҳатто 3 авлод бериб кўпайиши мумкин.

Қалқондорлар асосан танаси шакллана бошлаган урғочи зотлик даврда кўплаб табиий кушандалар билан зарарланади. Буларнинг орасида айниқса парда қанотли ички паразит – яйдоқчиларнинг аҳамияти каттадир. Паразит билан за-

Терак танасига шикаст етказадиган кенг тарқалган қалқондор ва сохта қалқондор турлари:



1



2



3



4



5

1 – акация сохта қалқондори, 2 – турон сохта қалқондорлари, 3 – сиёҳранг қалқондор, 4 – Ўрта Осиё вергул шаклидаги қалқондор, 5 – вергул шаклидаги олма қалқондори.

**Терактларни қалқондорлардан ҳимоя қилишда кимёвий ишловнинг сони,
муддати ва инсектицид турининг аҳамияти. (Анд. вил., Олтинкўл тум. ф/х, 2020 й.)**

№	Вариантлар	Ишлов ўтказиш муддатлари		50 тадан нечта дарахт зарарланган, дона			Самарадорлик, %					
		I	II	15.06	16.07	3.09	Дарахтларнинг зарарланиши бўйича			Тирик қалқондорларнинг зичлиги бўйича		
1.	Икки марта ишлов ўтказилди: I – Моспилан, 20% н.к.к. – 0,3 кг/га II – Каратэ Супер, 20% эм.к. – 0,15 л/га	5.05	22.05	0	1,5	1,9	100	90,2	90,6	100	96,7	93,2
2.	Икки марта ишлов ўтказилди: I – Аллгор, 40% эм.к. – 1,0 л/га II – Супербен, 6% эм.к. – 0,2 л/га	10.05	10.06	1,3	0	1,7	89,5	100	91,6	95,7	100	97,2
3.	Бир марта ишлов ўтказилди: I – Имидашанс, 20% эм.к. – 0,3 л/га	10.05	-	1,6	2,3	5,1	87,1	85,0	74,7	93,8	90,3	87,0
4.	Назорат (ҳимоясиз)	-	-	12,4	15,3	20,2	-	-	-	-	-	-

рарланиб нобуд бўлган нусхаларни ҳашарот қалқонида, ёки сохта қалқонида пайдо бўлган тешикчалардан билса бўлади (расмдаги 1-кўринишга қаранг).

Терактнинг новда ва танасида кўплаб Ўрта Осиё вергул шақлидаги қалқондор ҳамда вергул шақлидаги олма қалқондори деб аталмиш кокцидлар зарарлаганини гувоҳи бўламиз. 2018-2020 йилларда Бағдод туманидаги терактзорларни махсус назорат қилганимизда маълум бўлдики, юқорида зикр қилиб ўтилган турлар билан 3-5 ёшлик дарахтлар – 12-25%, 6-9 ёшлилари эса – 37-51% зарарланган эди.

Навбатдаги тадқиқотларимиз терактлардаги қалқондор ҳамда сохта қалқондорларга қарши инсектицидларни синаб, уларни ишлатиш регламентини белгилаб аниқлаш эди. Бундай тажрибалар 2018-2020 йилларда Ш.Т. Хўжаев (2004) услубий кўрсатмаларидан фойдаланиб ўтказилди. Тажрибалар Олтинкўл туман ўрмон хўжалигида ўтказилиб, бунда бир қатор саволларга жавоб ахтардик: самарали инсектицидларни синаб аниқлаш; бир мавсумда 1 ва 2 марта ишлов бериб синаш натижалари ҳамда ишловларнинг муддатларини зараркунанда ривожига қараб ўзгартиришнинг самарадорлик-ка таъсири аниқлаш лозим эди. Бу йўналишда 2018 ва 2019 йилларда қўйилган тажрибаларда тахминан натижаларга эга бўлиб, 2020 йилда асосий тажрибани қўйиб ўтказдик. Бу жойда дарахтлар асосан вергулсимон қалқондор, ҳамда турон ва акация сохта қалқондорлари билан зарарланган эди.

Биринчи кимёвий ишловларни зараркунандалар баҳорда қишлоvdан чиқиб, ривожлана бошлаган пайтда яъни “дайди” личинкалари дарахт бўйлаб тарқай бошлаган пайтда мўлжаллаб ўтказилди. Иккинчиси эса шу ойда, ҳамда кейинги

авлодига қарши мўлжалланди. Учинчи вариантда мавсумда бир марта ишлов бериш усули синаб кўрилди. Назорат учун ажратилган дарахтларда кокцидларга қарши кимёвий ишлов ўтказилмади.

Ўтказилган ишловлар ва уларнинг муддатлари теракка зарар етказадиган бошқа ҳашаротларга қарши баҳорги кураш ўтказиш муддатларига тўғри келиб, бирийўла кокцидлар ва бошқа йўлдош зараркунандаларга қарши кураш тизимига мосдир.

Олинган натижалар жадвалда келтирилди. У ердан кўриниб турганидек, теракт дарахтларини кокцид зараркунандалардан ҳимоя қилиш мақсадида баҳорда (май) 2 марта, ёки май-июнь ойларида 2 марта ишлов ўтказиш 1 марта ишлов ўтказишдан самаралидир. Назорат вариантга нисбатан эса ҳар уччала вариант ҳам афзалдир.

Хулосалар.

1. Қалқондор (*Diaspididae*) ва сохта қалқондорлар (*Coccidae*) оилаларига оид ҳашаротлар терактнинг тана ва новдаларига ёпишиб зарар кўрсатади. Буларнинг орасида Турон ва акация сохта қалқондорлари; бинафша, Калифорния, Ўрта Осиё вергулсимон ҳамда вергулсимон олма қалқондорлари аҳамиятлидир.

2. Қалқондорларга қарши кураш баҳорда (май) ҳашарот личинкалари қалқон остидан чиқиб дарахт бўйлаб тарқалган пайтда биринчиси ҳамда иккинчиси кейинги авлод “дайди”лари яна тарқётган муддатларда (июн-июл) ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунда инсектицидлар сифатида қуйидагиларни ишлатиш самарали эканлиги маълум бўлди: Моспилан – 0,3 кг/га, Супербен – 0,2 л/га, Каратэ Супер – 0,15 л/га, Аллгор – 1,0 л/га.

АДАБИЁТЛАР:

1. Азимов Д.А., Бекузин А.А., Давлетшина А.Г., Кадырова М.К. Насекомые Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1993. – 320 с.
2. Васильев В.П., Лившиц И.З. Вредители плодовых культур. – Москва: “Колос”, 1984. – 398 с.

